

ИНТЕРФАОЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА УСТИВОРЛИК БЕРИШ АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ТЕЗКОР ЎРГАНИШ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Давронова Фотима Пирназаровна

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети ўқитувчиси

fotimadavronova82@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада сўнгги йилларда таълим соҳасидаги амалга оширилган ислохотлар, хорижий тилларни ўргатиш билан боғлиқ ижтимоий зарурат, расмий ва норасмий тил ўрганиш марказлари фаолияти таҳлил қилинади. Инглиз тили машғулотида талабаларда ақлий фаолият усуллари, ўқув жараёни мазмунини ўзлаштиришда уларнинг истиқболга йўналтирилган муваффақиятли фаолиятлари, тилни тез тушунишлари, муваффақият вазиятларида ҳар бир таълим олувчининг самарали фаолиятини назарда тутган ҳолда танланишига эътибор қаратилди.

Калит сўзлар: чет тили, ахборот-коммуникатив технологиялар, расмий таълим, норасмий таълим, “Бумеранг”, “Чархпалак”, “Зинама-зина”, “3x4”, тил портфеллари, гипнопедия методлари.

КИРИШ

Рақамли технологиялар компетент ёндашув уйғунлигида талабадан инглиз тилидаги ўқув материалига алоқадор алоҳида-алоҳида билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни эмас, балки уларни яхлитликда эгаллашни талаб этади. Мазкур талаб билан боғлиқликда ўз навбатида ўқитиш методларини танлаш тизими ҳам ўзгаришга учрайди. Ўқитиш методларини танлаш ва амалиётда қўллаш ўз

навбатида таълим жараёнида қўйиладиган талабларга мувофиқ келадиган компетенция ва функцияларни такомиллаштиришни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда Миллий “Электрон таълими” тизимини бошқариш, олий таълим муассасалари томонидан ахборот-таълим ресурсларини истеъмол қилинишни ташкил этиш, E-learning ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ахборот-коммуникация воситалари асосида амалга ошириш, инглиз тилини ўрганишда махсус методикаларни такомиллаштириш долзарб бўлиб, электрон методик мажмуалар ва бошқа таълимий ахборот ресурсларига ягона давлат талабларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда [5,12]. Шундан келиб чиқиб, олий таълим жараёнида рақамли технологиялар ёрдамида инглиз тилини ўргатиш мазмуни, метод, воситаларини ўрганиш талаб этилади.

Таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишда АКТ учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, таълим истеъмолчилари ўртасида сифатли диалогли мулоқотни йўлга қўйиш, таълим субъектларига ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиш, ўзаро ҳамкорлик алоқалари самарадорлигини тубдан яхшилаш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Олий таълим жараёнида рақамли технологиялар ёрдамида инглиз тилини ўргатиш учун, биринчи навбатда, методик муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган анъанавий ҳамда замонавий ёндашувларни муваффақиятли уйғунлаштириш лозим. Модернизациялашнинг муваффақиятли кечишини таъминлаш шартларидан яна бири инглиз тилини ўқитишнинг асосий йўналишларини дидактик жиҳатдан қамраб олишда намоён бўлади. Шундагина, таълим жараёнини инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этиш, табақалаштириш, ўқув жараёнини фаолиятли ёндашув ҳамда шахсга йўналтирилганлик принциплари асосида ташкил этиш эҳтиёжи қондирилади.

Инглиз тили машғулотлари талабаларни интеллектуал ҳамда ҳиссий ривожлантириш манбаига айланиши лозим. Бу жараёнда талабаларнинг билим олишга қизиқишлари, ўз фикрини мантиқий изчилликда баён этишлари, тафаккур имкониятларини кенгайтириш талаб этилади.

Дарсликларнинг янги авлодида татбиқ этиладиган методик ёндашувлар талабаларнинг ўзлаштириладиган материалларни тушунишлари учун қулай бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда дарсликлардаги ўқув материаллари талабалар инглиз тилидаги тушунчаларни ўзлаштиришнинг умумий усулларини шакллантиришга хизмат қилиши керак. Бунинг учун талабаларграмматик қонуниятлар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларни англаб етишлари муҳим ҳисобланади. Шу билан бир қаторда лексик ва грамматик қонунларнинг ўзаро алоқадор бўлган турли усулларидан фойдалана олиш кўникмасига эга бўлишлари зарур.

МУҲОКАМА

Моделда акс эттирилганидек, олий таълим муассасалари талабаларининг инглиз тилини тезкор ўрганишлари учун уларга интерфаол методларга устуворлик бериш асосида таълим жараёни ташкил этилганида самарали натижаларга эришилади.

Моделда ифодаланганидек, олий таълим муассасаларида талабаларнинг инглиз тилини тезкор ўрганишлари учун тажриба-синов ишларининг мазмунида **дидактик шакллар** сифатида қуйидагилар танлаб олинди: аудитория машғулоти, аудиториядан кейинги машғулотлар; **интерактив методлар**: “Бумеранг”, “Чархпалак”, “Зинама-зина”, “3x4” ва бошқалар; **дидактик воситалар**: мультимедиа ва бошқа ахборот-ресурсларидан фойдаланилди.

Хориж тажрибаларини ўрганиш мобайнида олий таълим тизимида ўқитувчилар томонидан чет тилларни ўргатиш борасида бир қанча методикалар яратилган. Шулардан бири – “Тил портфеллари” деб номланади.

Тил портфеллари. 2010-2011 йилларда таҳсил олувчиларнинг чет тилларни ўзлаштиришларига қулайлик туғдириш мақсадида махсус тил портфеллари методикаси Евроиттифоқ амалиётига киритилган эди. Ҳозирда мана шундай тил портфеллари кенг ривож топмоқда. Яъни, ҳар бир ўқувчининг хорижий тил бўйича ўқиган ва ишлаб чиққан материаллари мазкур портфелга жамланади. Бу тил портфелларининг энг муҳим жиҳати шундаки, ўқувчи мустақил равишда ўзининг тил билиш динамикасини кузатиб бориши, зарур ўринларда тил билиш малакасини кучайтириш зарурлиги англаш имконияти туғилади. Тил портфеллари кейинчалик ўқувчининг мустақил ўқув воситасига айлана боради ҳамда унинг ўқиш ва таълим олиш жараёнига бевосита алоқадорлиги, манфаатдорлигини таъминловчи бош унсурга айланади [4].

Гипнопедия (қадимги грек – *ύπνος* уйқу ва *παιδεία* ўқитмоқ сўзларидан олинган) табиий уйқу шароитида маълум бир ахборотларни мияга етказиш ва узатиш методикаси. Ахборотларни узатиш бирор бир шахс, ёки магнит лентаси орқали юборилади [5]. Гипнопедияга нисбатан икки қарама-қарши муносабат мавжуд. Бир томондан, баъзи олимлар унинг имкониятларига жуда ишонмасдан, шубҳа билан қарайдилар. Иккинчи турдаги олимлар эса, гипнопедия ахборот технологиялари ривожини билан ахборот узатишнинг энг мақбул, кам харж, сифатли ва самарали усули бўлиб қолишига комил ишонч билдирадилар. Бироқ бугунги кунда гипнопедиянинг кенг ва турли предметларни ўқитишдаги ўрни ҳақида гапиришга ҳали эрта. Аслида уйқуда маълум бир ахборотларни ухлайётган одам тафаккури ва хотирасига узатиш амалиёти қадимдан мавжуд бўлган. Масалан, қадимга йогалар ва фақирлар Ҳиндистонда, лебашлар Эфиопияда, шунингдек, будда монахлари бу усулни кўп қўллаганлар. Замонавий илмда эса усулни биринчи бор 1923 йилда АҚШда Д.А.Финней томонидан Пенсаколадаги денгиз мактабида қўллаганлиги ҳақидаги ахборотлар расмий газеталарда сақланиб қолган. Собиқ Совет Иттифоқида бу усул билан махсус шуғулланишган. Шу боис, 1936 йилда А.М.Свядош амалий тажрибалар ўтказган. Гипнопедияга нисбатан сўнгги энг

йирик қизиқишлардан бири ўтган асрнинг 50-60 йилларида пайдо бўлди. Гипнопедия тарафдорларидан бири киевлик олим Леонид Близниченко инглиз тилидаги сўзларни эслаб қолишда гипнопедиянинг имкониятларини таҳлил қилиб чиққан. Бу масалада кўпроқ эътибор хорижий тил фонетикасига, яъни, тўғри талаффуз қилиш имкониятларига қаратилган. Киев Олий муҳандислик радиотехник билим юртида ташкил қилинган тажриба-синов ишлари асосида талабаларда инглиз тили фонетикаси бўйича муаммолар бўлмаган ва ўқувчилар лексикасини ўрганиш ва хотирада сақлаб қолишга жуда тез ва енгил ўрганганлар. Гипнопедияга бўлган замонавий баҳо шундан ибратки, унинг усулларини чет тилини бир бошдан ва тамомила ўрганишда мазкур методни қўллаб бўлмайди, бироқ тафаккур ости ва хотира билан боғлиқ равишда мазкур методикани қўшимча усул сифатида қўллаш мумкин. Яъни, гипнопедия хорижий тилларни шунчаки ўргатувчи метод эмас, балки хорижий тилни ўрганишда унинг товушлар ва лексик қатламини билиш, қабул қилишни енгиллаштирувчи усул саналади.

НАТИЖАЛАР

Инглиз тилини рақамли технологиялар асосида ўқитиш талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришни тақоза этиб, ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги ва бунда компетент ёндашув олий таълимни модернизациялаш нуқтаи назаридан амалий фаолият тажрибаси, компетенция ва компетентликни дидактик бирликлар сифатида кўриб чиқиш ҳамда таълимнинг анъанавий уч элементи (триада) – «Билим – Кўникма – Малака»ни олтига бирлик (сикстет) – «Билим – Кўникма – Малака – Амалий фаолият тажрибаси – Компетенция – Компетентлик» тарзида таҳлил этилишини талаб этади. Айнан шу жараёнда турли интерфаол методларни қўллаш самарали натижа бериши тадқиқотлар даврида аниқланди. Айримларини тадқиқот ишида кўрсатиб ўтсак:

“Бумеранг” технологияси

Ушбу технология талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳам дарс мобаёнида ўқитувчи томонидан барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган. Ушбу технология инглиз тилини тезкор ўрганишда самарали натижа беради.

Технологиянинг мақсади. Ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни талабалар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат – мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш. Ўқув жараёни мобайнида ҳар бир талаба томонидан инглиз тилини тезкор ўрганишга имконият яратиш.

Технологиянинг қўлланилиши. Амалий машғулотлар ҳамда суҳбат-мунозара шаклидаги дарсларда яқка тартибда, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида фойдаланиш мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар. Талаба машғулот жараёнида мустақил ўқиши, ўрганиши ва ўзлаштириб олиши учун мўлжалланган ахборот таълимий ресурслар, тарқатма материаллар (ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича қисқа матнлар, суръатлар, маълумотлар).

Машғулотни ўтказиш тартиби. Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

- Талабалар кичик гуруҳларга ажратилади;
- Талабалар машғулотнинг мақсади ва тартиби билан таништирилади;
- Талабаларга мустақил ўрганиш учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади;

- Берилган матнлар Талабалар томонидан якка тартибда мустақил ўрганилади;
 - Ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади;
 - Янги гуруҳ аъзоларидан ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларига эришадилар;
 - Берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб қиладилар;
 - Янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар;
 - Дарснинг қолган жараёнида талабалар билимларини баҳолаш ёки тўплаган балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда “гуруҳ ҳисобчиси” тайинланади;
 - Талабалар томонидан барча матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчи (ёки оппонент гуруҳ) талабаларга саволлар билан муносабат этадилар, оғзаки сўров ўтказадилар;
 - Саволларга берилган жавоблар асосида гуруҳларни тўплаган умумий баллари аниқланади;
 - Ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолат биттадан савол тузилади;
 - Гуруҳлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол – жавоб ташкил этилади (“гуруҳ ҳисобчилари” берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб борадилар);
 - Гуруҳ аъзолари томонидан тўплаган умумий баллар йиғиндиси аниқланади;
 - Гуруҳлар тўплаган умумий баллар гуруҳ аъзолари ўртасида тенг тақсимланади.
 - Дарс (машғулот)ни яқунлаш, уйга вазифа бериш.
- Ўқитувчиларнинг иш тажрибасидан

Ушбу технологияни қўллаган ўқитувчилар ўз ўқув предметлари мавзуси ёки эркин мавзу асосида қуйидаги мазмундаги матнлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ташкил этишади.

Масалан, биз тадқиқот даврида (2021-2022 ўқув йили, 1-семестр) 1 курс талабалари учун “Aral Sea — What Was and What Is” мавзусини мазкур технология ёрдамида ташкил қилдик.

Матнни ўқиб, таржима қилишар экан, талабалар, матн бўйича савол тузишлари ва уларга иккинчи гуруҳдагилар жавоб беришлари талаб этилди.

Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб этиш, эркин эгаллашга йўналтирилди. Бу машғулотда талабалар мунозарали мазмунга эга бўлган мавзунини ўрганиб, оғзаки ва ёзма иш шаклларида амалга оширилди. Технология машғулот мобайнида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариш, навбат билан талаба ёки ўқитувчи ролида бўлиш ва мос балларни тўплаш имкониятини беради.

“Бумеранг” технологияси талабаларга танқидий фикрлаш, уларда мантиқни шакллантиришга имконият яратади, шунингдек уларнинг хотирасини, ғояларини, фикрларини, далилларини ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантирди.

Мазкур технология талабаларга таълим билан бир қаторда тарбиявий характердаги:

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомалилик;
- хушфехъллик;
- кўникувчилик;
- ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш;
- фаоллик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш;

- ўзини баҳолаш каби қатор сифатларини ҳам шакллантириш имкониятини берди.

Технологиядаги асосий тушунчалар:

Очиқ саволлар – бундай саволлар муомала қилиш ва ўзаро сўзлашувни давом эттиришга имкон беради, шу билан бирга уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.

Ёпиқ саволлар – бундай саволлар олдиндан “ҳа” ёки “йўқ” туридаги тўғри ва очиқ жавобларни беришни кўзда тутаяди.

Кўндаланг сўроқ – талабалар бир-бирига гуруҳлаб берувчи қисқа саволлар қаторидан иборат бўлиб, ўзига хос ахборотлар излаш ҳамда далилларни, оппонентлар эгаллаган ҳолатини аниқлаш, шунинг муайян қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.

Кўндаланг сўроқ пайтида ўзаро мунозарага киришиш мумкин бўлмай, балки фақат саволлар берилишига рухсат берилади.

“3 x 4” технологияси

Технологиянинг тавсифи. Ушбу машғулот талабаларни аниқ бир муаммони (ёки бирор мавзунини яқка ҳолда (ёки кичик жамоа бўлиб) фикрлаб ҳал этиш, ечимини топиш, кўп фикрлардан керагини танлаш, танлаб олинган фикрларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо (ёки мавзу) юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек, ўз фикрларини маъқуллай олишга ўргатади. Бу технология талаба (ёки ўқувчи)лар билан аввал яқка ҳолда, сўнгра уларни кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади.

Технологиянинг мақсади: талабаларни инглиз тилини тезкор ўзлаштириш, эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга; фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга; жамоага ўз фикрини ўтказишга, уни маъқуллашга; қўйилган муаммони ечишда ва мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатишдан иборат.

Технологиянинг қўлланилиши: амалий берилган вазифаларни бажаришга мўлжалланган.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: Электрон дарслик, мультимедиали иловалар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- Ўқитувчи талабаларнинг умумий сонига қараб, 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратилади (кичик гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани мақсадга мувофиқ);

- Ўқитувчи талабаларни машғулотнинг мақсади ва ўтказиш тартиби билан таништиради ва ҳар бир кичик гуруҳга қоғознинг юқори қисмида ёзуви бўлган варақларни тарқатади;

- Ўқитувчи кичик гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган асосий фикрни фақат учта фикр, яъни учта сўз ёки сўзлар бирикмаси, ёки учта гап билан давом эттиришлари мумкинлигини уқтиради ва буни амалга ошириш учун аниқ вақт бегилайди;

- Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган фикрни ёзиб давом эттирадилар;

- Вазифа бажаргач, гуруҳ аъзолари ўринларидан туриб соат миля йўналиши бўйича жойларини ўзгартирадилар, яъни 1-гуруҳ 2-гуруҳнинг 2-гуруҳ 3-гуруҳнинг, 3 – гуруҳ эса 4-гуруҳнинг (бошқа кичик гуруҳлар бўлса, шу тариха) ўрнига ўтадилар;

- Янги жойга келган гуруҳ аъзолари шу ерда қолдирилган тарқатма материалдаги фикрлар билан танишиб, унга яна янги учтадан ўз фикрларини ёзиб қўядилар;

- Гуруҳ аъзолари яна юқоридаги каби жойларини ўзгартирадилар, шу тариха кичик гуруҳлар ўз жойларига қайтиб келгунларига қадар жойларини алмаштириб, тарқатма материалларга ўз фикрларини қўшиб борадилар;

- Ўз жойларига қайтиб келган кичик гуруҳлар тарқатма материалда тўпланган барча фикрларни диққат билан ўқиб, уларни умумлаштирган ҳолда битта яхлит таъриф ёки қоида ҳолатига келтирадилар;
- Ҳар бир кичик гуруҳнинг муаллифлик таърифлари ва қоидаларини гуруҳ аъзоларидан бири тақдимот қилади;
- Ўқитувчи кичик гуруҳлар томонидан берилган таърифлар ёки қоидаларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди, сўнгра машғулоти якунлайди.

Изоҳ: Гуруҳлар тақдимотидан сўнг улар берган таъриф ёки қоидалар асосида кичик гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси якка тартибда ўзининг муаллифлик таърифи ва қоидасини келтириб чиқариб тақдимот қилиши ҳам мумкин.

Кичик гуруҳлар сони 4 та бўлгани мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолда кичик гуруҳлар ўз жойларини фақат 3 марта алмаштирадилар ва бу билан ўқув жараёнини зерикарли ўтишнинг олди олинади. Агар кичик гуруҳлар сони 4 тадан кўп бўлса, у ҳолда уларни икки пототка бўлиб, кичик гуруҳ аъзоларининг алмашинувини ҳар бир потот ўртасида алоҳида, тақдимотни эса биргаликда ўтказиш мумкин.

Агар аудитория кичик гуруҳларнинг жойларини алмаштиришга мосланмаган (ёки алмаштиришга ноқулайликлар) бўлса, у ҳолда талабаларни жойларини алмаштириш ўрнига гуруҳларга тарқатилган материалларни алмаштириш орқали, улар дастлабки олинган гуруҳларга қайтиб келгунга қадар алмаштирилиб, талаба фикрлари тўпланади, улардан умумий таъриф (ёки қоида) келтириб чиқарилади ва тақдимот қилиш ҳам мумкин.

Биз тадқиқот мобайнида интерфаол технологияларга устуворлик бериш асосида инглиз тилини тезкор ўрганиш моделини такомиллаштиришга муяссар бўлдик. Бакалавриатура таҳсил олувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган методик ишлар, талабаларнинг ўз касбий-шахсий имкониятлари, касбий компетенциясини ошириш устида фаол ишлашини талаб қиладиган технологик йўналишлар ва ўз-ўзини баҳолаш параметрлари ишлаб чиқилганлигида намоён бўлди.

Интерфаол технологияларга устуворлик бериш асосида инглиз тилини тезкор ўрганиш моделида рақамли воситалардан фойдаланиш, келгусидаги аниқ мақсадга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида бўлажак педагогнинг рухий, интеллектуал, эстетик салоҳиятини маълум мақсадга йўналтириш, шу жумладан назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш талаблари, касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш босқичлари инобатга олинди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, рақамли технологиялар шароитида талабаларга инглиз тилини тезкор ўргатишда аниқланган педагогик шарт-шароитлар кўрсатишича, қуйидаги методологик талабларни амалга ошириш лозим:

1) талабаларнинг инглиз тилини ўрганишларидаги мустақил фаолиятининг устуворлиги;

2) талабаларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини, шунингдек уларнинг тил ўзлаштириш қобилиятларини ривожлантиришнинг актуал ва потенциал даражаларини ҳисобга олиш;

3) асосий назарий материалларни ўзлаштиришда талабалар маълум касбий маҳорат даражасига эришишга иштиёқмандлиги;

4) талабаларнинг инглиз тилини тезкор ўрганишлари учун қобилиятларнинг турли компонентларини ривожлантириш шарт-шароитларни яратиш;

5) талабаларда АКТ воситасида инглиз тилини тезкор ўрганишлари фаолиятга ижобий мотивация ва доимий қизиқишни шаклланишига шарт-шароит яратиш.

Таҳлиллардан аниқланишича, психологик ва педагогик адабиётларда кўрсатилган талабаларнинг фикрлаш жараёнларини мослашувчанлигини ошириш ва уларнинг рационал ечимларни топиш қобилиятларини

ривожлантириш учун улар шахсий структурасидаги танқидийлик, мустақиллик даражасини кўтариш ва ижодий ёндашув ва ечимларни қўллаш тенденциясини ривожлантириш йўналишида, чуқур сифат ўзгаришларни амалга ошириш керак. Фикрлашнинг мослашувчанлигини ривожлантириш ушбу жараённинг зарур ва муҳим компонентларидан бири сифатида намоён бўлади. Демак, рақамли технологиялар шароитида талабаларга инглиз тилини тезкор ўргатишда компетенциявий ёндашувни амалга ошириш, уларнинг лексик, грамматик, социолингвистик, прагматик компетенцияларини ривожлантириш талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жуманазаров У.У. Таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фразеологик компетенциясини ривожлантириш. Пед. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Ташкент, 2019. – 57 б.
2. Зверева Н.Н., Касьян. А.А. Методологическое знание в содержании образования // номли рисоласида: Педагогика.-2019.№1.–С.9-11
3. Зверева И.Д. Проблем методов обучения в современной общеобразовательной школе, М., 1980
4. Икромхонова Ф.И. Инглиз тилидан коммуникатив-когнитив корректив курс назарияси ва амалиёти (нолисоний олий ўқув юртлари мисолида) дисс.п.ф.д (PhD), 2018.-154б.
5. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика назарияси.-Т.:Фан ва технология, 2008.-288б.